# А Ж Р И М

2003 йил декабрь ойининг 10 куни Жиноят ишлари буйича Олтиарик туман суди уз биносида очик суд мажлисида,Раислик этувчи Т.Вахобов,Н.Мамарозикованинг котибалигида, томонлардан прокурор У.Йулчиев, адвокатлар Х.Эралиев, А.Вахобовларни иштирокида Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддасини 2-кисми, 142-моддаси, 206-моддаси 2-кисми «В» банди, 277-моддаси 2-кисми «Б, Г, Д » бандлари ва 229-моддаси билан Атакулова Мавжуда Исроиловнани айблаш буйича 176 жиноят ишини куриб куйидагиларни:-

# А Н И К Л А Д И

Атакулова Мавжуда Исроиловна 1950 йил 10 апрелда Олтиарик туманида тугилган,миллати узбек, маълумоти урта, Узбекистон Республикаси фукороси, депутат эмас, давлат мукофати ва унвонлари йук, мукаддам судланмаган, оилали, карамогида уч нафар фарзандлари бор, Олтиарик тумани, Хамза шахри, А.Навоий номли махалла фукоролар йигини раиси лавозимида ишлаган, Олтиарик тумани, Хамза шахри, А.Навоий кучаси 20 А уй 33 хонада яшайди, эхтиёт чораси 2003 йил 9 октябрдан бошлаб камокда сакланмокда, айблов хулосаси нусхасини уз вактида олган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Атакулова Мавжуда Исроиловна Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 141-моддасини 2-кисмини, 142-моддаси, 206-моддасини 2-кисми «В» банди, 277-моддаси 2-кисмини «Б, Г ва Д» бандлари ва 229-моддалари билан айбланиб судга берилган.

Ушбу жиноят ишини суд мажлисида куриш жараёнида судланувчи Атакулова М. ва унинг конуний химоячиси адвокат Х.Эралиев судга ариза билан мурожаат килиб, судланувчи Атакулова М.килмиш айбига икрор ва пушаймонлигини хамда уни аёл кишилигини эътиборга олиб Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Узбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганлигини ун бир йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида»ги Фармонини 1-моддаси «А» банди таъсир доирасига тушишини хисобга олиб унга нисбатан булган жиноят ишини айблилик масаласини хал килмасдан амнистия тугрисидаги Фармонни 5-моддасига асосан харакатдан тугатишни илтимос килишди.

2003 йил 1 декабрь куни Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Конститутцияси кабул килинганлигини ун бир йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида»ги Фармони эълон килиниб, ушбу Фармоннинг 1-моддаси «а» бандида биринчи марта содир этган жинояти учун жазо утаётган [illegible] Фармонни 1 моддасида кайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва суддаги ишлар харакатдан тугатилиши лозимлиги курсатилган.

Судланувчи Атакулова М.ни аёл киши булганлиги ва биринчи марта содир этган жинояти учун судланаётганлиги сабабли ушбу Фармонни 1-моддасини «а» банди таъсир доирасига тушиши, эълон килинган амнистия фармонини жиноятга ва шахсга дахлдорлиги сабабли Узбекистон Республикаси ЖПК.нинг 84 моддасини 2 кисми талабига кура судланувчи Атакулова М.ни жиноят содир этилишида айблилик тугрисидаги масалани хал килмай туриб жиноят ишини харакатдан тугатилиши лозим булади.

Юкоридагиларга асосан суд, Узбекистон Республикаси ЖПК.нинг 84 моддасини 2-кисми, 423 моддаларини куллаб ажрим килади:

## А Ж Р И М :

Судланувчи Атакулова Мавжуда Исроиловнани Узбекистон Республикаси ЖК.нинг 141 моддаси 2-кисми, 142 моддаси, 206 моддаси 2-кисми «в» банди, 277 моддаси 2-кисми «б», «г», «д» бандлари ва 229 моддалари билан айблаш хакидаги жиноят иши Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги « Узбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия тугрисида»ги Фармонининг 5 –моддасига асосан харакатдан тугатилсин.

Судланувчи Атакулова Мавжуда Исроиловнага нисбатан кулланилган эхтиёт чораси камокда саклаш бекор килинсин ва у суд залидан дархол камокдан бушатилсин.

Ушбу жиноят ишини судланувчи Кучкоров М.га нисбатан булган кисмини мазмунан куриш давом эттирилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд оркали Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судига хусусий шикоят,протест келтиришга хакли.

Раислик этувчи: имзо

**Ажрим нусхаси аслига тугри деб**

Жиноят ишлари буйича
Олтиарик туман судининг раиси: Т.Ш.ВАХОБОВ.